170195

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1995 йил 4 январь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. 1 (6647)

Уч йил мустақиллик йўлида кечирган ҳаётимиз бизларга қандай муқаддас заминда яшаётганимизни, улуғ аждодларимиз қолдирган қандай мерос ва қадриятларга эга эканимизни англатди, шу азиз тупроқда ётган ота-боболаримиз дини ва руҳига содиқ бўлишга, Ватанимиз келажаги, фарзандларимиз камоли учун ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб фидойи меҳнат қилишга, элим деб, юртим деб ёниб яшашга ўргатди.

Ишончим комилки, бугунги истиқлол ва ислоҳот йўлида дадил юришимизни сақлай билсак, аҳил, меҳр-оқибатли бўлиб бир ёқадан бош чиқариб ишласак, ёруғ ва фаровон кунларга тезроқ етамиз, иншооллоҳ.

Президент Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табригидан.

ПОЙҚАДАМИ ҚУТЛУҒ ЙИЛ

Халқимизда улуғ бир одат бор: энг эзгу тилак ва истаклар дастурхон атрофида, байрам давраларида айтилади. Куни кеча Янги йил шодиёналарида ҳам ана шундай ниятлар қилинди, юртимизга тинчлик, осойишталик, Ватан тараққиётига равнақ, турмушимизга тотувлик ва фаровонлик, барча фуқароларга бахт-саодат ва толе ер бўлиши тиланди. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги каттаю-кичикни руҳлантириб, улар қалбларида чексиз ғурур ва ифтихор, келажакка умид ва ишонч туйғуларини оширди, давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлидан сабот билан олга бориш ниятини барқарор қилди. Чунки мустақиллик туфайли давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий ҳаётида туб ўзгаришлар юз бераётганлигининг, халқаро обрўси ўсиб бораётганлигининг, юртимизда осойишта ҳаёт, бунёдкорлик меҳнати ҳукм сураётганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Бу эса ўткинчи қийинчиликларни енгиб ўтишда халқимизга сабот бахш этаяпти. Биз қадам қўйган янги — 1995 йил эса ёруғ ва фаровон кунларга тезроқ етишимизда, келажаги буюк давлатни вужудга келтиришимизда унутилмас тарихий воқеаларга бой бўлади, албатта.

Юртимиз порлоқ келажагининг эгалари — бу ёшлардир. Шу боис республикамиз раҳбарияти ўсиб келаётган ёш авлодга узлуксиз ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ана шу катта эътибор ва ғамхўрлик Янги йил байрамларида яна бир бор тўлиқ намоён бўлди. Тошкентдаги муҳташам "Туркистон" саройида ўтказилган "Президент арчаси" маросими унутилмас воқеа сифатида қатнашчиларнинг хотирасига муҳрланди. Бу ерга пойтахтимиз болалар уйлари тарбияланувчилари, қаровсиз, эҳтиёжманд, ота-онасиз болалар таклиф этилди. Арча байрамида ўғил-қизлар чинакам яйрадилар, қувноқ қўшиқлар, рақслар, томошалар уларга олам-олам завқ-шавқ бағишлади. Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев болаларга Ислом Каримов номидан қимматбаҳо совға-саломлар ҳамда Президентнинг дил сўзлари битилган табрикномаларни топширди.

Болаларга меҳр-муҳаббат ва давлат, эл-юрт ғамхўрлигини мужассамлаштирган Янги йил байрамлари барча вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлари болалар уйлари тарбияланувчиларига Президент совғалари ва қутловномаларини топширдилар. Бундай тадбирлар ёш авлодга ғамхўрлик қилиш, уларнинг камолга етишишида зарур шарт-шароитларни яратиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналиши эканлигини ўз мазмунида тўлиқ ифода этди.

Ўсиб келаётган ёш авлодда Ватанга муҳаббат, қадриятларимизни улуғлаш ва ғурурланиш, авлодлар шон-шуҳрати ва ишига садоқат туйғуларини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидандир. Мустақиллик туфайли халқимизнинг кўплаб анъаналари, қадриятлари тикланмоқда, тарихий ҳақиқатлар рўёбга чиқаётир. Ана шу маънода Янги йил арафасида чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ҳам муҳим воқеа бўлди. Қарорга кўра қутлуғ сана — 1996 йил октябрь ойида Ўзбекистонда кенг нишонланади. Юбилей тадбирларини ўтказиш ташкилий қўмитаси ҳам тузилган, давлат бюджетидан катта маблағ ажратиш ҳам кўзда тутилган. Кенг миқёсдаги амалга ошириладиган тайёргарлик доирасида Амир Темур билан боғлиқ обидалар ва қадамжоларни ободонлаштириш, Темурийлар даврини акс эттирувчи музей ташкил этиш, илмий анжуманлар ўтказиш, буюк саркардага бағишланган китобларни нашр этиш каби кенг кўламли ишлар ҳам бор.

Халқ таълими соҳасида ҳам мазкур қарорни амалга оширишга боғлиқ кўплаб тадбирлар амалга оширилади, албатта. Амир Темур даврини дарсларда ўрганиш, унинг қадамжоларига ўқувчилар саёҳатларини уюштириш, улуғ ватандошимиз ўз давридаги бунёд эттирган обидаларни тиклаш ва боғлар яратиш ишларида ўқувчи ёшларнинг ҳисса қўшишларини ташкил этиш ана шулар жумласидандир. Билим масканларида бу каби тадбирларни ўтказишдан мақсад ўқувчи ёшларни юртга, элга, авлодлар шон-шуҳратига садоқат руҳида тарбиялашдир.

Мамлакатимизда Янги йилнинг дастлабки кунлари кўтаринки руҳда бошланди. Бу халқимизнинг келажакка комил ишончини, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги ғайрат-шижоатини, танланган йўл равшанлигини ифодалайди. Шубҳасиз халқимиз кўзлаган йўл нурли манзилга — фаровон ҳаётга элтади. Умидимиз ва ишончимиз, Ватан деб, элим деб меҳнат қилишимиз бунга кафолатдир.

Нарпай туманидаги 30-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳабиба Рустамова учун ўтган — 1994 йил омадли келди. Негаки, у ўз билимдонлиги, ижодкорлиги боис "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловининг туман, вилоят бўйича ўтказилган босқичларида ғолиб бўлиб, республика кўрик-танловида иштирок этди. Албатта, барча иштирокчилар қатори Ҳ. Рустамовани ҳам бу беллашув янгидан-янги изланишлар сари илҳомлантириши табиий.

Суратда: Ҳ. РУСТАМОВА.

Ҳ. СОЛИҲОВ олган сурат.

Ҳунар-техника билим юртларида

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳунар-техника таълими Бош бошқармасининг ташаббуси билан республикада биринчи марта ҳунар билим юртлари талабалари ўртасида миллий санъатимиз дурдоналаридан бири ҳисобланган фольклор фестивали бўлиб ўтди. Унда мавжуд билим юртларининг ёш санъатсевар талабалари иштирок этиб, санъатимизнинг ана шу ноёб тури бўйича ўз маҳоратларини намо-йиш этдилар.

Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Хайритдин Фатхиддинович Маъсудов мухбиримизга фестиваль ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Аввало, фестиваль республикамизда илк бор ўтказилаётганлиги учун ҳам жойларда унга пухта ҳозирлик кўрилганлиги ҳар бир ҳунар-техника билим юрти талабаларининг чиқишларида намоён бўлди. Шунингдек, ўқувчиларимиз билим юртларида таълим ва ҳунар ўрганиш билан чекланиб қолмай, бўш вақтларида турли тадбирларга жалб этилаётганлиги, миллий санъатимиз боболар қолдирган меросдан баҳраманд бўлиб, анъаналарни давом эттираётганликларини кўрсатмоқда.

Кези келганда таъкидлаб ўтиш жоизки, фестивални ўтказишдан мақсад, фақат маҳоратлиларни танлаш бўлиб қолмай, балки бу жойларда таълим олаётган ёшларимизнинг санъатга, қадриятларга, миллий анъаналаримизга бўлган қарашларини ҳам аниқлашдир. Фестиваль гарчи республикамизда илк бор ўтаётган бўлса-да, талабалар олдига қўйилган шартлар маҳорат билан адо этилди.

Республика Ўқитувчилар уйида икки кун давом этган ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг фольклор фестивалида барча билим юртларидан келган ёш санъат шинавандалари ўз маҳоратларини кўрсатиб, ғолиблар ҳам аниқланди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Касаба уюшмалари республика қўмитаси ҳамда фестиваль ҳомийлари ғолибларни пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар билан тақдирладилар.

Мухбиримиз.

ТАНИШИНГ:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ СТИПЕНДИЯЛАРИНИНГ СОВРИНДОРЛАРИ

Мустақил Республикамиз раҳбарияти келажагимиз бўлмиш ёш авлодни тарбиялашга, уларнинг таълим олишлари учун жойларда зарур шароитлар яратиш ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида уларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларига жиддий эътибор бериб келмоқда. Шу боисдан республикамиз олий ўқув юртларида таълим олаётган иқтидорли талабаларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш мақсадида Президентимизнинг алоҳида Фармони чиқди. Мазкур Фармонда белгиланган тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги муайян ишларни амалга оширди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъати ўз мажлисида (1994 йил 10 ноябрь) республика олий ўқув юртлари Илмий Кенгашлари томонидан тавсия этилган, 5-6-курсларда ўқиётган 6 та талабага (тегишли таълим йўналишлари бўйича) 1994 йил 1 сентябрдан 1995 йил 1 сентябрига қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияларини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилди. Стипендиялар миқдори ўзлаштирувчи талабага бериладиган стипендия миқдоридан уч баробар кўп. Шунингдек, уларга олий ўқув юртини тугатганларидан сўнг, икки йил мобайнида имтиҳонсиз ўз мутахассисликлари бўйича аспирантурага кириш ва хорижга юборилаётган ёшлар гуруҳлари сафидан ўрин олишда устунлик ҳуқуқлари берилган.

ИҚТИСОДИЁТ



Сарвар ОТАМУРОТОВ — Тошкент давлат университети 5-курс талабаси. Мутахассислиги — социолог, аълочи, нашр этилган илмий ишлари 5 та. Инглиз тилида эркин суҳбатлашади. 1993 йилда Россия Фанлар Академияси Сибир илмий Маркази томонидан "Талаба ва илмий техник тараққиёт" мавзусида ташкил қилинган Халқаро талабалар илмий конференциясида қатнашган.

ТИББИЁТ, ФАРМАЦИЯ ВА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ

Ирода Хожимуҳамедова — Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти 6-курс талабаси. Мутахассислиги — даволаш иши. Аълочи, нашр этилган илмий ишлари 1 та. Инглиз тилида эркин суҳбатлашади. Ҳозирги вақтда полиартроз касаллигини комплекс даволаш ва унинг натижалари мавзусида илмий иш олиб бормоқда.

ТЕХНИКА ВА ИНФОРМАТИКА



Алишер Махсумов — Тошкент давлат техника университети 5-курс талабаси. Мутахассислиги — ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш. Аълочи, нашр этилган илмий ишлари 1 та. Инглиз тилида эркин суҳбатлашади. Компьютерда ишлашни билади. 1991 йилда РИбинск шаҳрида чизмачилик бўйича ўтказилган халқаро конкурснинг II даражали дипломини олган. Университет талабалари конференцияларида фаол қатнашади. Ҳозирги вақтда технологик алмашиниш моделлаштириш ва автоматлаштириш бўйича илмий изланмоқда.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ

Гули Жўраева — Тошкент давлат консерваторияси 5-курс талабаси. Мутахассислиги — Фортепианода ижрочилик. 1994 йилда VII Республика пианиночилар танловининг ғолиби. Ҳозирги вақтда Ашхабодда ўтказиладиган пиониночиларнинг Халқаро танловига тайёргарлик кўрмоқда.

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ВА КИМЁ-БИОЛОГИЯ



Одилбек Зоидов — Тошкент давлат педагогика институти 5-курс талабаси. Мутахассислиги — математика-физика. Аълочи, нашр этилган илмий ишлари 1 та. Француз тилида эркин суҳбатлашади. 1992/93 ва 1993/94 ўқув йилларида институтнинг "Ал Хоразмий" стипендияси совриндори. Ҳозирги вақтда функционал анализ ва эҳтимоллар назарияси соҳасида изланмоқда.

ГУМАНИТАР МУТАХАССИСЛИКЛАР

Азизбек Холлиев — Тошкент давлат университети 5- курс талабаси. Мутахассислиги — тарих. Аълочи, нашр этилган илмий ишлари 6 та. Инглиз тилида эркин суҳбатлашади. 1994 йилда Навоий номли давлат стипендияси совриндори. Талабалар илмий конференцияларида фаол қатнашади. Компьютерда ишлашни билади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

"Маърифат"га жавоб берадилар

ҚУРИЛИШ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

Қарши туманидаги Бозор Орипов номли 43-мактаб ўқитувчиси Машҳура Орипова таҳририятимизга хат йўллаб, мактаб биносининг эскириб, ачинарли аҳволга келиб қолгани ҳақида ёзганди.

Текшириш учун Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармасига юборилган хатимизга бошқарма бошлиғи П. Бердиев имзоси билан жавоб олинди. Унда, жумладан, қуйидагилар ёзилган: "Маърифат" рўзномасининг 1994 йил 16 ноябр сонида босилган "Қатнайвериб чарчадик" мақоласида келтирилган далиллар жойига бориб атрофлича ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам, мактаб жойлашган ҳудуднинг ер ости суви кўтарилиши натижасида бинонинг деворлари захлаб, нураш ҳолига келганлиги ва сувоқлари кўчиб кетаётганлиги учун "Истиқбол" жамоа ширкат хўжалиги маблағи ҳисобидан 1988 йилда янги мактаб қурилиши ва газ ўтказиш ишлари бошланган эди. Аммо ҳозирги кунда хўжаликда маблағ бўлмаганлиги сабабли бу ишлар тўхтатиб қўйилган. 1995 йилда маблағ масаласи ҳал бўлгач, қурилиш давом эттирилади.

Шунингдек, мақолада айтилганидек, ўқитувчиларга баллонли газ берилмаганлиги масаласи ҳам ўринли. 1994 йил давомида туман газлаштириш идорасига баллонли газ етарли келтирилмаганлиги сабабли мактаб ўқитувчиларига бу ёқилғи атиги икки марта тарқатилган. Туман халқ таълими бўлимидан газлаштириш идорасига ўтказилган пул маблағи дебитор бўлиб турибди. Синф хоналарини иситиш учун 10 тонна суюқ ёқилғи берилган, ўқитувчиларга 65 тонна бепул кўмир тарқатилган".

МАОРИФЧИЛАР МИННАТДОР

Боғот туманида педагог ва тарбиячига бозор иқтисодига ўтиш шароитида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга жиддий эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Президентининг халқ таълими ходимларининг моддий-маиший аҳволини яхшилашга қаратилган қатор фармонлари туманда изчил амалга оширилаётир. Мактабларнинг барча педагоглари, тарбиячилар табиий газ, электр қувватидан фойдаланиш борасидаги имтиёзлардан баҳраманд бўлмоқдалар. Ўтган икки йил ичида ўқитувчиларга ўзлари яшаб турган 57 та давлат уйи хусусийлаштириб берилди, 16 нафар халқ таълими ходимига эса шахсий иморат қуриш учун ер майдонлари ажратилди.

Ўқитувчи, тарбиячи ва бошқа халқ таълими ходимларининг саломатликларини мустаҳкамлаш борасида ҳам туман касаба уюшмаси қўмитаси ва халқ таълими бўлими алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Ўтган давр мобайнида 178 нафар ўқитувчи вилоят санаторий ва профилакторияларида, 17 нафар зиёкор эса республика саломатликни мустаҳкамлаш муассасаларида махсус йўлланмалар билан дам олдилар, 1994 йилнинг ёз мавсумида эса 58 нафар халқ таълими ходими вилоят санаторий-профилакторияларида бепул ҳордиқ чиқарди.

Педагогларнинг моддий турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида туман касаба уюшмаси қўмитаси, халқ таълими бўлими, шунингдек ҳомий ташкилотлар ёрдами ҳам уюштирилаётир. Ўтган йил давомида барча байрамлар муносабати билан кўпгина педагоглар, тарбиячилар моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Бундай ғамхўрликдан маорифчилар беҳад миннатдор. Бу ишлар янги — 1995 йилда ҳам давом эттирилади.

Ғ. ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз.

Мустақиллик одимлари

ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ

Барча ўқув юртларида, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида ўрганиш учун тавсиялар

Уч йил муқаддам демократия асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб Ислом Каримов сайланган эди.

Ана шу қисқа вақт мобайнида Ўзбекистонимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар амалга оширилди. Булар ҳақида матбуотда ҳам тегишли материаллар босилди. Уларда юртбошимиз бошчилигида Республикамизда 3 йил давомида амалга оширилган ишларга қисқача тўхталиб ўтилган.

Маълумки, ана шу амалга оширилган ишлар ҳақида Президентимиз Республика Олий кенгашларида, вилоятларда меҳнаткашлар билан бўлган учрашувларда, бошқа тантанали тадбирларда сўзлаган нутқларида батафсил тўхталиб ўтган. Халқ таълими вазирлиги бу нутқларни ўқув юртларида ўрганиб бориш мақсадида тавсиялар ишлаб мактаб ва бошқа ўқув юртларига юбориб турди.

Бугунги кунда Ўзбекистонимизда Президент сайланганганлигининг 3 йиллиги муносабати билан ўтган даврда қандай оламшумул тадбирлар амалга оширилганини яна бир бор ўрганиб мактаб ва ўқув юртларида ўқувчилар, талабалар онгига тезроқ етказиш лозим. Бу ишлар икки босқичда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

I босқичда ўқитувчи, мураббийлар юқорида келтирилган материалларни ўқувчилар ва талабалар қишки таътилдан қайтгунларича ўзлари мустақил ҳолда ёки семинар орқали яна бир бор ўрганиб олишлари ва II босқични эса мактаб ва ўқув юртларида ўқиш бошланиши билан 2 соат дарс машғулоти, 2 соат савол-жавоб орқали ўрганишлари лозим.

Қуйида ана шу дарс машғулоти ва савол-жавоб амалий машғулотларининг режа ва дастурларини келтирамиз.

Умумтаълим мактабларида, ўқув юртларида "Шу азиз Ватан — барчамизники" мавзуида ташкил этиладиган дарс ва савол-жавоб машғулотларининг режаси.

Мавзулар:

1. Демократия асосида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва ундан кейинги 3 йил давомида амалга оширилган ишлар— 2 соат дарс

2. "Ўзбекистон Республикасининг шу кунги долзарб муаммолари нималардан иборат?" (Савол-жавоб, мунозара кечаси.) 2 соат амалий машғулот

I мавзу: Демократия асосида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва ундан кейинги 3 йил давомида амалга оширилган ишлар.

Режа:

1. Демократия асосида умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ўтказилиши.

2. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинган даврдаги вазият ва муаммолар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўлининг белгилаб олиниши ва унинг амалга оширилиши.

Ўқитувчи мазкур мавзуни ёритишда ўқувчи ва талабалар диққатини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш тўғрисидаги хужжатларига жалб этади. Маълумки, 1991 йилнинг 29 декабрида ўтган умумхалқ сайловида Ислом Абдуганиевич Каримов 86 фоиз овоз билан Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига сайланган эди. (Ўқитувчи бу масалани кенгроқ ёритиш учун "Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши" номли рисолага мурожаат қилиши мумкин. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992 й). Шундан кейин Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинган дастлабки кезлардаги СССРни парчаланиб кетиши, Фарғона, Ўш, Паркентдаги воқеалар, пахта яккахокимлиги, галла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг 70 фоизи четдан келтирилиб турилган оғир даврда Президент этиб сайланган Ислом Абдуганиевич Каримов олдида жуда катта вазифалар тургани баён этилади.

"Ўнинг зиммасида одамлар қалбида эртанги кунга ишонч руҳини уйғотиш, мустақил давлатимиз қандай бўлиши, у тараққиётнинг қайси йўлидан кетиши борасида истиқбол режаларини аниқ белгилаш, бошқача айтганда, йўл танлащдек тарихий вазифа турарди.

Президент, аввало, барчамизнинг олдимизга Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий давлат бўлади, деган аниқ мақсадни қатъий қўйди. Шу маънода бирин-кетин давлатимиз рамзлари — байроқ, герб, мадҳиямиз қабул қилинди. Давлат бошқаруви тизими ислоҳ қилина бошлади. Жойларда хокимлик институтлари жорий этилди. Баъзи республикалардагидек талатўпда бошқарув тизими қўлдан чиқариб юборилмади. Бу эса сиёсий ислоҳотни осойишталик билан, одамларни сен коммунистсан, сен демократсан қабилида оқуқорага ажратмасдан амалга ошириш имконини берди.

Эндиги вазифа мустамлакалик асорати остида тарихидан узилган, динидан мосуво этилган, миллий кадриятларидан йироқ тушган халққа унинг ўзлигини, қандай буюк зотларнинг вориси эканини англатиш, қалбида ғурур ва ифтиҳор туйғуларини уйғотиш, қисқаси, тушкун руҳини кўтариш, ўз қудратига ишонч бахш этишдан иборат эди". (I.Қаранг: "Халқ сўзи", 1994 йил 29 декабрь).

Шундан сўнг ўқитувчи миллий кадриятларимизни қайта тикланиши, бобомиз соҳибқирон Амир Темур, саркарда Мирзо Бобур, Улуғбек фаолиятлари, Имом Бухорий, Баҳоутдин Накшбанд, Ат-Термизий ва бошқа исломий олимлар ҳаёти ва Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Усмон Носир каби халқ бахти учун курашиб қурбон бўлган истеъдод соҳиблари ҳақида гапиради, кейинги уч йил даврида уларнинг фаолиятига объектив баҳо берилабошланганлигини уқдиради.

Ушбу мавзуда юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёти ҳақида яратган "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" рисоласи (Тошкент, "Ўзбекистон", 1992 й.) ҳақида тўхталмоқ лозим. Маълумки, бу асарда Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати концепциясининг асосий қоидалари баён қилинган. Республика тараққиёти ҳозирги босқичнинг ўзига хос хусусиятлари, чинакам мустақил демократик давлат барпо этишнинг тамойиллари, унинг ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларининг асослари таърифлаб берилган. Мустақил Ўзбекистон ички сиёсатининг ўзаги ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш йўллари ва халқнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини мустаҳкамлашдан иборат бўлиши кўрсатилган.

Юртбошимизнинг энг муҳим ишларидан бири шундаки, у Ўзбекистонни ўзига хос тараққиёт йўлидаги 5 та: биринчидан, иқтисодиёт сиёсатдан устивор бўлиши ва бунинг учун иқтисодиёт мафкурадан ҳоли қилиниши; иккинчидан, давлат асосий ислоҳотчи бўлиши; учинчидан, қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши; тўртинчидан, кучли ижтимоий сиёсат ўтказилиши ва ниҳоят, бешинчидан, бозорга ўтиш босқичма-босқич амалга оширилиши кераклиги ҳақида муҳим тамойилини ишлаб чиқди.

Булар ҳақида гапирганда ҳозирги вақтда тамойиллар босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этилаётгани баён этилади. Масалан, давлат мулкини хусусийлаштириш, халқ хўжалигида ишлаб чиқарувчиларга тўла эркинлик бериш, чет эл сармоясини кенгроқ жалб этиш, қўшма корхона, концерн ва корпорациялар ташкил этиш, янги корхоналар қуриш ишлари бошланиб кетди.

Ўқитувчи қишлоқ хўжалиги соҳасида қилинаётган ишлар, фермерлик ишларини ривожлантириш, зарар келтирадиган давлат хўжаликларини (совхозларни) жамоа хўжаликларига айлантириш, шахсий морква участкаларини кенгайтириш, деҳқон маҳсулотларини тобора кўпроқ ўз ҳоҳишича эркин (шартнома) нархлари бўйича сотишга эътибор берила-бошланганини тушунтиради. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархлари бир неча марта оширилди. Қишлоқ турмуш даражасини шаҳар турмуш даражасига етказиш бутун аграр сиёсатнинг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Кейинги вақтларда саноатни қишлоққа яқинлаштириш соҳасида қилинаётган ишлар ҳам ғоят қувонарлидир.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Президентлик даврида Ўзбекистон Республикасидаги улкан ўзгаришлар ҳақида гап борар экан Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, мамлакатимизнинг мадҳияси, герби, байроғи, пул бирлиги каби рамзларига эга эканликларига алоҳида тўхталмоқ лозим ва уларнинг моҳиятини, мазмунини очиб бермоқ керак. Ўқитувчи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақидаги материални шу Конституциямизнинг бир йиллигига бағишланган тантанали анжуманда Ислом Каримов томонидан сўзланган нутқидан топиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида "Давлат тили тўғрисида", "Таълим тўғрисида", "Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинганлиги ва уларнинг моҳияти ва мазмуни ҳақида алоҳида гапириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

"Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилиши борасида янги типдаги мактаблар, узлуксиз таълим тизими, таълимнинг давлат стандартларини яратиш, илмий педагогик кадрларни тайёрлаш ва бошқа масалалар бўйича амалга ошириладиган турли ишлар ҳақида фикр юритилмоғи керак.

Ўзбекистон Республикасида Президент сайлангандан буён мамлакатимизнинг ташқи сиёсатида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлди.

"Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ҳақидаги Декларация эълон қилингач, бизни биринчи бўлиб азалий қардошимиз Туркия Республикаси тан олди. Ҳозир бизни тан олган давлатлар сони 130дан ортиб кетди. Уларнинг аксарияти билан дипломатик алоқалар ўрнатилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига, Европа Ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгашига, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармасига, деярли барча халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Улар ташкил этаётган халқаро симпозиум, семинар ва анжуманларда фаол иштирок этмоқда. Мустақил Ўзбекистон овозини унинг биринчи Президенти сиймосида бутун дунё эшитиб турибди. Ҳиндистон, Корея Республикаси, Хитой, Франция, Германия, АҚШ, Голландия, Туркия, Малайзия каби ўнлаб мамлакатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган юзлаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Ҳамдўстлик мамлакатлари билан эса анъанавий ҳамкорлик ришталарини сақлаб қолишга харакат қилинмоқда. Айниқса, ён қўшниларимиз Қозоғистон ва Қирғизистон билан ягона иқтисодий макон барпо этилгани ҳайрли иш бўлди. Ўртадаги бир қанча сунъий тўсиқлар олиб ташланди". (Қаранг: "Халқ сўзи", 1994 йил, 29 декабрь).

Мазкур мавзуни тушунтиришда юртбошимиз Ислом Каримовнинг Тожикистон Республикаси халқлари бошига тушган оғир кунларни бартараф қилиш учун олиб борган ҳаракатлари, БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга йўллаган мактублари, бу борада кейинги вақтларда амалга оширилган тадбирлар ҳақида фикр юритилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида Президентилик сайлови ўтгандан буён яна бир муҳим масала — миллий истиқлол мафкурасини яратишга алоҳида эътибор берилабошланди. Ўқитувчи бу ҳақдаги материалларни юртбошимизнинг бир гуруҳ ёзувчилар билан бўлган учрашувдаги, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқларидан топиши мумкин. "Янги мафкуранинг асл мазмуни — янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо ҳоли, мустақил инсонни тарбиялашдир... Содда қилиб айтганда, ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: "Шу давлат, шу жамият менга нима берди?" деб эмас, балки: "Мен ўзим Ватанимга, элу-юртимга нима бердим?" деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак" — дейди Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг бир йиллиги муносабати билан ўтказилган анжумандаги нутқида. Унда бу вазифаларни бажаришда тарбиячи-устозлар, ўқитувчилар олдида катта масъулиятлар турганини ҳам таъкидлади.

Машғулот якунида мустақил Ўзбекистоннинг яна бир муҳим хусусияти, яъни мамлакатда 1994 йилнинг 25 декабрида қўппартиявийлик асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов бўлгани ва бунда Халқ демократик партиясидан 243 номзод, "Ватан тараққиёти" партиясидан 141 номзод, хокимият вакиллик органларидан 250 номзод кўрсатилгани, шунингдек 11 миллион 250 минг 461 киши сайловчилар рўйхатига киритилиб, улардан 93,6 фоизи овоз беришда иштирок этгани, умуман мазкур сайлов демократик асосда ўтгани, бунда 30га яқин мамлакат, халқаро ташкилот ва ҳаракатлардан 68 кузатувчи ва бошқа хорижий матбуот органлари иштирок этгани ҳақида маълумот берилмоғи мақсадга мувофиқ.

Машғулот якунида ўқитувчи юртбошимизнинг кўп қиррали меҳнатлари ҳақида гапирар экан бу инсондаги камтарлик хусусиятлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталмоғи лозим. Бизнинг фикримизча, бунга 1993 йил 6-7 май кунлари ўтказилган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида сўзланган нутқ яққол мисол бўла олади: "Президентлик лавозимида ўтирган одам ҳам сизга ўхшаган бир инсон. Уни доҳийлаштириш шарт эмас. Умуман мен сохта обрўга қаршиман. Афсуски, кейинги пайтларда менинг шахсимни улуғлаш касали пайдо бўлаяпти... Сезиб қолдимки, кўчаларда ҳам битта-иккита суратларим пайдо бўлаяпти. Бунга чек қўйиш керак.

Агар менинг камтарин хизматим маъқул бўлса, халқимизга минг бор қуллуқ, таъзим қиламан. Лекин, биродарлар, бу менинг раҳбарлик бурчим, халқимга фарзандлик бурчим", — дейди юртбошимиз.

Ўқитувчи мазкур мавзуларни ўтишда қўшимча материаллардан, зарур ўринларда улуғ мутафаккирлар, ёзувчилар, шоирлар асарларидан, ўқитувчилар, халқ ноибларининг марузларидан фойдаланиши лозим, ўзи яшаб турган туман, вилоятлардаги маҳаллий материаллардан ҳам фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

II мавзу: амалий машғулот:

"Ўзбекистон Республикасининг шу кунги долзарб муаммолари деганда нималарни тушунасиз?" (Савол-жавоб кечаси).

Ушбу ўқув дастури мавзуи материаллари ўқув юртларидаги ижтимоий фанлардан ўтказиладиган имтиҳон саволларига киритилиши мақсадга мувофиқ.

ЭСЛАТМА: ушбу мавзуни Халқ таълими вазирлиги тизимидаги болалар боғчаларининг катта ёшдаги гуруҳларида, бошланғич синфларда — суҳбат, юқори синфларда — давра суҳбатлари, ҳунар-техника, педагогика билим юртларида, педагогика институтларида — семинарлар шаклида ўтказилиши тавсия этилади.

ФОЙДАЛАНИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР:

1. И. А. Каримов "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", Тошкент, "Ўзбекистон", 1992 йил.

2. И. А. Каримов "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" Тошкент, "Ўзбекистон", 1992 й.

3. Элни Ватан манфаати бирлаштиради. (Ислом Каримовнинг бир гуруҳ ёзувчилар билан учрашуви) "Халқ сўзи", 1993 й, 6 май.

4. И. А. Каримов "Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг", Тошкент, "Ўзбекистон", 1993 й.

5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992 й.

6. И. А. Каримовнинг 1993 йил 13 апрелда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашида сўзлаган нутқи материаллари.

7. И. А. Каримов. "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура". Тошкент, "Ўзбекистон", 1993 й.

8. И. А. Каримов. "Биздан озод ва обод Ватан қолсин". Тошкент, "Ўзбекистон", 1994 й.

9. "Халқ сўзи" 1994 йил, 29 декабрь, Аҳмад Хўжа мақоласи.

10. Ж. Ғ. Йўлдошев. "Ўзбекистон Республикаси таълими — тараққиёт йўлида". Тошкент, "Ўқитувчи", 1994.

11. Т. Тошлонов. "Мустақиллик дарси". Тошкент, "Адолат", 1994 й.

Мазкур манбалардан ташқари бошқа адабиётлардан, мақолалардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ.

Мактабдан ташқари муассасаларда

БОЛАЛАР ЗЕРИКМАЙДИ

Республика Ўқувчилар техник ижодиёт марказида ҳар бир байрамга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Янги йил байрами ҳам марказда ана шу руҳ билан қутиб олинди. Марказ қошида ва шаҳардаги мактаблар базасида ташкил этилган "ЭҲМ, кемасозлик, тайёрасозлик, ракетасозлик, радио, автомоделлик, миллий мусиқа асбоблари ясаш тўгараклари мактаб ўқувчилари мактабдан ташқари вақтларини унумли ўтказиш ҳамда уларга биронбир бошланғич хунарга ўргатиш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширдилар.

Қишки таътил кунларини қизиқарли ва мазмунли ўтказиш учун ҳар бир тўгарак раҳбари аниқ режа асосида иш олиб бормоқда. Унга мувофиқ ўқувчилар Тошкент шаҳридаги илмий текшириш институтларига, ҳар бир тўгарак йўналиши бўйича ишлаб чиқариш корхоналари — завод, фабрикалар, музейларга саёҳатлар уюштиришади ҳамда "Баҳор" концерт залида арча байрамида бўлишади. Бундан ташқари 5 январь куни марказ қошида тўгарак аъзолари учун Янги йил карнавали ўтказилади. Бу тадбирга ҳар бир тўгарак аъзоси катта тайёргарлик кўраяпти. Тадбир дастурида:

— энг яхши деворий газета учун;

— энг чиройли рақс учун;

— энг мазмунли шеър учун;

— энг ажойиб янги йил либоси учун каби совринли ўринлар белгиланган.

9 январь куни марказ кутубхонасида ўқувчилар ўртасида "Давлат рамзларига ҳурмат билан қараш туйғуларини тарбиялаш" мавзусида конференция бўлиб ўтади. Бунда ўғил-қизлар шу соҳадаги иқтидорларини намойиш этишади.

Таътил кунлари давомида марказнинг кўргазмалар залида ташкил қилинган болалар техник ижодиёт кўргазмасида республика миқёсидаги техник ижодиёти марказларида шуғулланувчи тўгарак аъзоларининг ўз қўллари билан ясалган турли хил экспонатлари намойиш этилади.

Ҳурматли болалар, таътил кунлари сизларнинг вақтингизни қизиқарли ўтказиш учун республика Ўқувчилар техник ижодиёти маркази ходимлари ўғил-қизларга яқиндан кўмакдош бўлади. Марказимизга марҳамат!

М. НАБИЕВА,
республика Ўқувчилар техник ижодиёт маркази ташкилий-оммавий бўлим бошлиғи.

БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

Одатда Янги йил ҳаммадан кўра болаларга кўпроқ қувонч олиб келади. Газетамизнинг ўтган сонида хабар қилинганидек, Янги йил арафасида Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов туманида жойлашган 100-махсус мактаб-интернатда болаларга Президентимиз Ислом Каримовнинг байрам совғасини топшириш маросими катта шодиёнага айланди. Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев мактаб-интернат талабаларига қимматли совғаларини топшириб, уларга илм ва ҳунар сирларини ўрганишда муваффақиятлар тилади.

Байрам шодиёнасида республика ёш томошабинлар театри актёрлари, Тошкентдаги "Ором" болалар боғчаси тарбияланувчилари, мактаб-интернат бадиий ҳавас корлик тўгараги аъзолари томонидан ижро этилган қўшиқ ва рақслар, интермедиялар болалар ҳамда меҳмонларга хуш кайфият бахш этди.

Республиканинг турли вилоятларидан келиб ҳам даволаниб, ҳам билим олаётган 230 ўқучининг кўнгли тоғдек кўтарилганлигини уларнинг қувноқ чехраларидан сезиш мумкин эди. Уларга туҳфа этилган компьютер синфи калити, телевизор ва видеомагнитофонлар, кийим-кечакдан тортиб идиш-товоқларгача — ҳамма-ҳаммаси юртбошимизнинг болалар ҳақидаги оталарча ғамхўрлиги натижасидир.

Байрам шодиёнасидан айрим лавҳаларни суратка шимиз Ҳаким СОЛИҲОВ тасвирга туширди.

Миллий мактаб муаммолари

АЖРАТИБ ЎҚИТГАН МАЪҚУЛМИ?

Кейинги пайтда матбуотда миллий мактабни ташкил қилиш, ўғил ва қизларни ажратиб ўқитиш хусусида фикрлар билдирилмоқда. Баъзан эса ўқувчиларни жинсларга ажратмай туриб миллий мактабни ташкил қилиш мумкинми, деган саволлар ҳам қўйилмоқда. Ажратиб таълим-тарбия берилса, қизларда иффат, шарм-ҳаёни, ўғил болаларда эса эркаклик ғурурини тарбиялаш мумкин, деган ғоялар олга сурилмоқда.

Маълумки, ҳозирги вақтда барча ривожланган давлатлардаги умумтаълим мактабларида ўғил ва қиз болалар бирга ўқитилмоқда. Республикамизнинг ривожланган, юқори маданиятли давлатлар қаторига кираётганлиги ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида умумтаълим мактабларида ўқувчиларни ажратиб ўқитиш зарурлиги кўрсатилмаган. Узоқ йиллик илмий-тадқиқот ишлари якуни шуни кўрсатаяптики, ёшларга таълим-тарбия беришда қўшиб ўқитиш усули ҳар томонлама ижобий натижа бермоқда.

Ўқувчиларни жинсга ажратиб ўқитиш ҳақидаги фикрлар кирқинчи йиллардаёқ олга сурилганди. Кейинчалик уни тажрибада қўллаб кўриш мақсадида уруш йиллари, яъни 1942—1943 ўқув йилларида Россиядаги айрим шаҳарларнинг маориф тизимида жинсларга ажратиб ўқитиладиган мактаблар ташкил қилинди. Лекин бу мактаблар ўқув йилининг биринчи ярмидаёқ бекитилди. Чунки ажратиб ўқитиш ижобий натижа бермади.

Фикримча, педагоглар олдига жинсларга ажратиб таълим-тарбия бериш муаммосининг қўйилиши мантиқан ўринсиздир. Чунки инсоният жамиятнинг асосини икки жинс-эркак ва аёллар ташкил қилади. Эркакларни аёллардан, аёлларни эркаклардан ажратиш мумкин эмаслиги ҳеч кимга сир бўлмаса керак. Шундай экан, жинсга ажратиб таълим-тарбия беришни катта бир миллий муаммо даражасига кўтаришимиз ҳам ўринсиз бўлса керак.

Мактаб, синф — бу катта оила. Ўқувчилар бир-бирларига ака-ука, опасингил — иноқ жамоа аъзоларидир. Уларни жинсга ажратиб, таълим-тарбия беришни ташкил қилиб, кўпгина ахлоқий, руҳий, ақлий ўсиши, ривожланиши, шаклланиши учун зарур бўлган тарбиявий ва оилавий ҳаёт, ҳақиқий отаона, ҳаёт учун зарур бўлган руҳий хатолардан, кўникма ва малакалардан маҳрум қилмаймизми? Жамиятдан, жамоадан, оиладан ажралган бола инсонийлик хислатларини йўқотиб қўяди. Эркаклар даврасидан ажратилган қиз, аёл, хотин ёввойи кийикка, боғбонсиз боққа ўхшаб қолмасмикин?!

Ўғил ва қиз болаларни бирга ўқитиш катта тарбиявий ва таълимий аҳамиятга эга. Таълим биргаликда олиб борилганда ўринсиз гапларни айтмаслик, ахлоқ ва одоб талабларига риоя қилиш ҳаракати, фикр юритганда ҳам ўйлаб, мазмунига тушуниб, ундан кейин сўзлаш эҳтиёжи туғилади. Ана шу жараёнда эркакларда ғурур, қиз болани, аёлларни ҳар қандай ёвузликдан асраш, ўз довюраклигини намойиш қилиш, уларни доимо авайлаш ҳисси туғилади.

Қизлардаги назокат, меҳрибонлик, ёқимтойлик, ўзларига нисбатан меҳр-муҳаббатни уйғотиш ҳам худди шундай жараёнда шаклланиши табиий.

Алоҳида-алоҳида таълим-тарбия беришда эса икки жинс вакили ҳам бу хис-туйғулардан маҳрум бўлади. Ўз-ўзларини тарбиялашга, ахлоқ этикасининг нозик жиҳатларини тарбиялашга бутунлай қизиқмай қўяди. Ёшлар онгида мактабда бизни ким кўради, ким бизга эътибор беради, биз ким учун кийинишимиз, таранишимиз, ўзимизга оро беришимиз, шахсий гигиенага риоя қилишимиз керак деган тушунчалар пайдо бўлиши мумкин. Ҳаммамиз бу руҳий, ахлоқий ҳолатларни бошимиздан кечирганмиз?

Муаммонинг иккинчи томонига, яъни биринчи синфдан то ўрта мактабни битиргунга қадар ўғил ва қиз болани бир партада мажбуран ўтқизишга келсак, унинг руҳий-педагогик асоси шундаки, агар бир партада иккита қиз ёки иккита ўғил бола ўтирса, машғулот пайтида ўзаро шивирлашишга берилиб кетиб, дарсга диққат қилинмайди. Иккинчидан, дарсда ўқитувчи ва ўқувчиларга ноқулай вазият туғилади. Бундай ҳолатни кўпгина ўқитувчилар қатори мен ҳам кўп кузатганман.

Икки жинсга биргаликда таълим-тарбия бериш ўқувчиларда уятни, шарм-ҳаёни, эркаклик ғурурни тарбиялашга салбий таъсир қилади деб жа солиш руҳий, педагогик қашшоқлик, ўқувчилар руҳини билмаслик белгиси, десак хато бўлмайди. Ҳозирги даврда ўқувчи ёшлар ўртасида ахлоқий бузуқлик, адабсизликнинг асосий сабабини ўғил ва қиз болаларни қўшиб ўқитишга боғлаш мутлақо ўринсиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўқувчиларни жинсларга ажратиб таълим-тарбия бериш миллий мактаб белгиси эмас ва бўла олмайди ҳам. Мактабнинг миллийлигини аввало ўқувчи ва ўқитувчининг қиядиган кийими, мактаб биноси ёки мактаб турлари эмас, балки таълим-тарбиянинг мазмуни белгилайди.

Миллий мактаб муаммосини ўқувчиларни жинсларга ажратмасдан туриб ҳам ҳал этиш мумкин. Бу узоқ вакт ва кўпгина маблағни, республикамизнинг ижтимой-иқтисодий, ахлоқий-сиёсий томондан бойишини, педагогик ишга меҳр қўйган, ўқувчиларни ўз фарзандларидек севган, уларга тарбия ва таълим беришда ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланадиган фидойи, юксак малакали, ўз халқи ва ўқувчилари руҳини, ўзбекона ҳаётни чуқур билган ва амалий фаолиятда қўллаган инсонпарвар ўқитувчи ва мураббийни талаб қилади.

Саидмуҳаммад АҲМЕДОВ,
Термиз давлат университети профессори, педагогика фанлари доктори.

Дефектологлар кенгаши

Тошкентдаги Ўқитувчилар уйида "Жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларни аниқлаш ва уларни махсус муассасаларга йўллашда замонавий назариёт ва амалиётни такомиллаштириш" мавзуида республика дефектологларининг илмий-амалий кенгаши бўлиб ўтди.

Уни республика халқ таълими вазирининг муовини Ҳамидулла Йўлдошев очди. Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишидаги нуқсонларнинг асосий сабаблари ва уларнинг олдини олиш чоралари, бу борадаги таълим-тарбия хусусида сўзлади.

Кенгашда ақлий ривожланишида нуқсонга эга бўлган болаларни диагностика қилиш ва уни такомиллаштириш йўллари, жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсонларга эга бўлган болалар саломатлигини тиклаш бўйича қилинаётган ишларнинг ҳозирги аҳволи, мактабгача тайёргарлик жараёнида нуқсонли болалар муаммоси, махсус таълим муассасаларига дефектолог кадрлар тайёрлашнинг янгича йўналишлари, махсус муассасаларда болаларга таълим-тарбия бериш мазмунини янгича талаблар асосида такомиллаштириш каби масалалар юзасидан маърузалар эшитилди.

Ялпи мажлисдан сўнг кенгаш иштирокчилари еттита шўъбада шуғулландилар.

Анжуманда вилоятлардаги махсус мактаб-интернатларининг директорлари, дефектолог педагоглар, мактабгача тарбия муассасаларнинг мудиралари, дефектолог тарбиячилар, олимлар, илмий ходимлар, вилоят халқ таълими бошқармаларининг мазкур соҳага масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кенгашда республика халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош Саиджонов қатнашди.

Мухбиримиз.

Маорифимиз фидойилари

УМР МАЗМУНИ

Бошқаларнинг бахтини ўйлаб, ўз бахтимизни топамиз.

АФЛОТУН.

Дунёга келишдан мақсад яшашдир. Яшашдан мақсад эса халқи учун фойдали меҳнат, хизмат қилишдан иборат. Чиндан ҳам бу кўҳна дунёда меҳнатсиз турмушнинг вақшийлик эканлиги инсоният ҳаётида синаб кўрилган. Шунинг учун бўлса керак, инсон меҳнатидан ширин, инсон камолотидан буюк нарса йўқ.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган Насриддин Раҳмонов ўзининг ўтмиш-кечмишлари ҳақида ҳаяжонланиб гапирганида хаёлдан шулар ўтди.

— Яшашнинг маъносини, лаззатини ва ҳар бир лаҳзанинг қадрини билган инсоннигина бахтли дейиш мумкин, — дея гап бошлади Насриддин ака. — Одамларнинг бахти учун курашиб яшаган кишилар энг бахтиёрдирлар. Инсоният ҳаёти тарихида бундай одамлар жуда кўп. Маҳмуд Қошғарий, Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Беҳбудий каби ижодкору саркарда, олиму уламолар қандай қийин шароитда яшамасин ўз эли, жамият тарихи учун хизмат қилганлар. Булар бизнинг фахримиз.

Боши билан шўнғиб кирмаса ҳар дам,
Сув остидан дурни топарми одам.

Абдураҳмон Жомийнинг бу дурдона сўзларида Н. Раҳмоновнинг айтган гаплари мужассамлашган. Ҳаёт сўқмоқлари қизиқ. У сени дам пастга, дам юқорига етаклайди. Ҳалол меҳнат, одамларга меҳр, яшаш учун жасорат, албатта, инсонни катта ва равон йўлга олиб чиқади. Насриддин ака меҳнат фаолияти даврида кўп қиррали ва мураккаб ишларни бажарди. Бунда раҳбарлик, илм-фан билан шуғулланиш, таълим-тарбияга оид сиёсий ва оммавий ишларни олиб бориш, кўплаб жамоат ишларини бажариш... Хуллас у бетиним ишлади, барчасини жой-жойига қўйди, бошқалар ҳавас қилгудек меҳнат фаолиятини олиб борди. Унинг ўзига хос иш услуби бўлиб, кўтарилган ва ечилиши лозим бўлган масалаларни тез ва одилона ҳал этарди.

— Ҳаётим оғир кечган, — сўзида давом этади Н. Раҳмонов чукур ўйга толиб, — онам Раҳима ёшлигимда вафот этган. Отам Раҳмонберди Худойбердиев жуда қийналиб яшаган. Айби — Бухородаги мадрасани тугатган, кейин 1918-1920 йиллар Қоҳирада икки йил ўқиган. Нуротага қайтиб келиб муфти, мударрис бўлиб ишлаган. Раҳматли отам араб, форс тилларини яхши билган. Ўлимига қадар Нуротадан кочиб кетиб Андоқ, Ёнбош қишлоқларида "кулок" бўлиб юрган. Шу дарбадарлик йилларида менга эски ёзувни, араб тилини ўргатган. Ўн ёшимда бошланғич синфни, 1942 йили ўрта мактабни тамомлаб мактабда ўқитувчилик қилдим.

1943 йили Фарғонадаги 221-ўзбек полкига юборилдим. Ўша йили май ойида Сталинград фронтига бордик. Шаҳар яқинидаги жойда икки кун бўлдик. Учинчи куни ўзбек полкидаги 10-синфни тугатган кишиларни сўрашди: 4 киши бор экан. Тўрталамизни ҳам қайтариб Фарғонага олиб келишди. Бу ерда икки йилдан ортиқроқ ёшларга ҳарбий қурол-яроғлардан фойдаланиш йўлларини ўргатдик. 1945 йили Олмаотада хизмат қилдик. 1946 йили ўқитувчи бўлиб ишлаганим учун армиядан қайтарилдим. Келиб Нуротадаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим.

1947 йилда Самарқанд давлат дорилфунунининг тарих куллиётига ўқишга кирдим. 2-курсда факультет ёшлари котиби, 3-курсда эса дорилфунун ёшлар котиби бўлиб ишладим.

1950 йили вилоят ёшлар жамоаси котиблигига Москвадан тасдиқдан ўтишга юборилдим. "Қулоқ"нинг ўғли экансан, деб тасдиқлашмади. Бу "тамға"га ҳаётимда бир неча бор дуч келдим. Тақдирга тан бердим. Аммо, кўнглим чўккани йўқ, аксинча ҳар доим отам билан ғурурланиб юрдим...

Йиллар қанот қоқиб, турналар тизими каби ўтарди. 1952 йили дорилфунунни тугатиб, халқ маорифи вазирлигига келдим. Мени Янгийўл туманидаги 37-мактабга директор этиб юборишди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас Ўзбекистон Маориф вазирлигига чақиришди. Дастлаб мактаблар бўлимида инспектор, кейин ўрта мактаблар бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлашди.

1954 йилдан Самарқанд вилояти халқ маорифи бўлимининг мудири бўлиб ишладим. 1961 йили Ўзбекистон маориф вазирининг ўринбосари лавозимига тайинландим. Ўша йили фан н мзодлиги учун диссертация ёқладим. Ҳаёт, она Ватанга муҳаббатим, элюртга даъват менинг кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди. Мактабда ишласам ҳам, вилоят, республика халқ маорифида раҳбарлик лавозимларида ишласам ҳам мени фақат ўқувчиларнинг келажаги қизиқтирарди, уларни давримизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашга ҳаракат қилардим.

Ҳа, Насриддин Раҳмонов ҳаётда аччиқ-чучукни, паст-баландни, яхши-ёмонни жуда кўп учратган, шунинг учун умр лаззатини шунчалик эъзозлаб хизмат қилган. Унинг ўтмиш ёки бугунги асарларга ҳақиқий баҳо бериши, танқидий фикрлар билдириши, мулоҳазаларини аниқ кўрсатиши, уларни тўғирлашнинг туб йўналишларини белгилашдаги билимдонлиги Республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институтининг раҳбари вақтида (1964-1968 йилларда) яққол кўзга ташланди.

Тўғрида, ҳар бир ижодкор, ҳар бир тадқиқодчи ўзидан олдинги тадқиқотларни ва ўз замондошларининг тадқиқотларини чуқур ўзлаштириб, ўринли фойдалана олгандагина давр талабига жавоб бера оладиган даражада ижодкор-тадқиқотчи деб тан олинади. Буни Н. Раҳмоновнинг "Ўзбекистонда педагогик таълимнинг тараққиёти", "Ўзбекистон маданияти тарихи очерклари", "Миллий озодлик ҳаракатининг актуал масалалари" каби йирик-йирик монографиялари, ўнга яқин рисола ва 50 дан ортиқ илмий-тадқиқотларида кўриш мумкин. Олимга бу илмий тадқиқот ишлари учун 1984 йили профессор илмий унвони берилди.

Насриддин Раҳмонов 1971 йилда яна Ўзбекистон маориф вазирининг ўринбосари этиб тайинланди. У бу вазифада 1986 йилгача меҳнат фахрийси бўлгунига қадар ишлади. Н. Раҳмонов узоқ йиллар мобайнида маориф вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаб, Республикамизда халқ таълимини ривожлантиришга, кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, физкультура ва спорт ишларини янада яхшилашга, таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди.

Насриддин аканинг жамоат ишларидаги фаоллиги талабалик йилларида бошланган. 1950 йилдан 1960 йилгача Самарқанд шаҳар, вилоят советининг депутати, 1964 йилдан 1972 йилгача Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов туманлари советларининг депутати, ўқитувчиларнинг иттифоқ ва республика съездларига делегатлар бўлиб сайланди.

Пайғамбаримиз Алайҳиссалом: "Яхшиликдан далолат бергучи кимса, шу яхшиликни амалга оширувчи билан тенг савобга эга!" — деб бежизга марҳамат қилмаганлар. Н. Раҳмонов бутун ҳаёти давомида яхшилик уруғини сочди, яхшиликдан далолат берувчи нарсаларни тарғибот қилди.

— Мен Чорсу бозори яқинида тураман, — дейди меҳнат фахрийлиги гаштини сураётган Насриддин ака, — ширин оилам бор. Умр йўлдошим Саломатхон 26 йил мактабда ишлаган, 20 йил директор бўлган. Ҳозир меҳнат фахрийси. Ўғил-қизларим олий маълумотли. Ҳаммаси оилали, бола-чақали. Фарзандларим шунчалик камолга етиб, эл-юрт хизматини қилаётганидан, мустақил республикамизни мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётганликларидан хурсандман.

Ватан олдидаги хизматларим учун қатор орден ва медаллар билан тақдирланганман. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчиман. Ўқинадиган жойим йўқ. Халқ таълими дилим тўридан жой олган. Шу боис Вазирликда ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиб тураман. Насриддин Раҳмонов билан хайрлашиб, йўлда кетарканмиз, унинг ўзига ярашган баланд, тик қомати, пишиқ жуссаси, маъноли қарашлари, ёқимли табассуми кўз олдимиздан кетмайди. Қани энди ҳар бир кишининг умри, босган излари 70 йиллиги нишонланаётган лавҳамиз қаҳрамонидек мазмун ва маънога тўла бўлса, деган фикрлар хаёлимиздан такрор-такрор ўтарди.

Собир ЗИЯЕВ,
фалсафа фандари номзоди.
Ўтамурод НУРМУҲАМЕДОВ,
филология фанлари номзоди.

«Маърифат» хабарлари

ОЛИМЛАР ФИКР АЛМАШИШДИ

Яқинда республикамизнинг турли вилоятларидаги олий ўқув юртларидан келган бир гуруҳ педагоглар, фан мутахассислари ўз соҳалари бўйича институтимизда малака оширдилар. Мустақил республикамизда олиб борилаётган муҳим ишлар, фан-техника соҳасидаги янгиликлар, бўлажак мутахассисларни тайёрлашдаги долзарб масалаларни кенг кўламда қамраб олган маърузалар тингловчиларга маъқул бўлди. Шунингдек, олий педагогика институтининг ташаббуси туфайли улар П. Ҳабибуллаев, П. Қодиров, Н. Мухиддинов, И. Асқаров, Т. Азларов каби фан арбоблари, олимларнинг дарс сабоқларидан, маърузаларидан баҳраманд бўлишди.

У.ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Бухоро давлат университети доценти.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунида"... ҳунар-техника таълими узлуксиз таълимнинг ажралмас ҳалқасидир", — дейилган. Айни пайтда Қонун талабларидан келиб чиқиб, таълимнинг ана шу тармоғига жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, республикамиздаги мавжуд ҳунар-техника билим юртларида замонавий касбларнинг ўргатилаётганлиги қувонарли ҳол.

Ҳозирги шароитда аҳоли талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳунар-техника билим юртларидаги кўплаб мутахассисликларни янгилашни, ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик қилишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Республика ҳунар-техника билим юртлари ходимлари малакасини ошириш институтида ўтказилган илмий-амалий конференциядан кўзланган мақсад ҳам айни шу масалага қаратилгандир.

Анжуманда Халқаро профессионал-педагогика университетининг профессори жаноб Эберхард Шенфельдт иштирок этиб, жаҳон ҳунар-техника таълимида эришилаётган ютуқлар, шунингдек,қисқа даврда Ўзбекистон халқ таълими тизимидаги ҳунар билим юртларида бўлаётган ўзгаришлар хусусида маъруза қилди.

Илмий-амалий конференция якунида жаноб Эберхард Шенфельдт бошчилигидаги бир гуруҳ меҳмонлар Тошкентдаги ҳунар-техника билим юртларида бўлишиб, тажриба алмашдилар.

Шуҳрат ЮСУПОВ,
ҳунар-техника билим юртлари ходимлари малакасини ошириш институти катта ўқитувчиси.

КОЛЛЕЖ БАКАЛАВРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ

Сўнгги йилларда республикада ҳуқуқшунос кадрлар етиштиришни такомиллаштириш ва уни жаҳон андозалари даражасига яқинлаштириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Ана шу мақсадда собиқ Тошкент юридик техникуми ҳам юридик коллежга айлантирилди. Ўтган қисқа фурсатда коллеж жамоаси республика Адлия вазирлиги ўқув муассасалари бўлими билан ҳамкорлик қилиб белгиланган вазифаларни рўёбга чиқараётир.

Айни пайтда коллежимиз ўз мақомига кўра тўлиқсиз олий маълумотли малакали мутахассислар тайёрлайдиган, таълимнинг олий кўринишидаги махсус ўқув юрти ҳисобланиб, битирувчиларига юрист-бакалаврлик ихтисоси берилади. Ўқиш муддати 3 йилу 6 ой. Таҳсил олиш уч йўналишда, яъни суд-прокурорлик, давлат қурилиши ва бошқаруви, юридик хизмат ихтисосликлари бўйича олиб борилади. Шунингдек, ўқув юртимизда яна бир мутахассислик — "Иш юритиш ва архившунослик" бўлими ҳам мавжуд бўлиб, у мамлакатимизда ягона ҳисобланади.

Коллежимизда ижтимоий давлат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи фанлари, машина ёзуви, иш юритиш ва архившунослик ҳамда тиллар бўйича ҳам туркумлари (циклари) ташкил этилган. Уларда талабаларга Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи, чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи, Рим ҳуқуқи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи, халқаро ҳуқуқ, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия, меҳнат, никоҳ ва оила ҳуқуқлари, фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва жиноят процессуал ҳуқуқи, криминалистика, мусулмон ҳуқуқи, экология, қишлоқ хўжалиги ҳуқуқлари, суд ишини юритиш, ижрони ташкил қилиш, хўжалик суди, кадрлар билан ишлашни ташкил этиш, давлат ҳокимияти ва вакиллик органлари, юридик психология ва психиатрия, суд бухгалтерияси каби қирқдан ортиқ махсус фанлардан таҳсил берилади.

Таълим тамойилларини шакллантиришда ҳам коллеж ўзига хос йўналишга эга. Масалан, талабалар ҳуқуқни ҳимоя қилиш сирларини чуқур ўзлаштиришлари мақсадида республикадаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан доимий алоқалар ўрнатилган. Хусусан, ўқув жараёнидаги назарий билимларни янада чуқурлаштириш мақсадида талабаларимиз мазкур органларда танишув амалиётида 3 ҳафта, ўқув-танишув амалиётида 5 ҳафта, диплом олди ишлаб чиқариш амалиётида эса 10 ҳафта бўлишади.

Бундан ташқари назарий билимлар билан амалиётни яқиндан боғлаш учун махсус фанлардан амалий машғулотлар ҳам ўтказилади.Бу борада ҳокимликлар, суд, прокуратура органлари, ички ишлар бўлимлари, муҳрдорлик идоралари ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) бўлимлари билан ҳам ҳамкорлик қилиб келяпмиз.

Маълумки,сўнгги йилларда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар орасида таълим тизимини такомиллаштириш алоҳида ўрин тутади.Айниқса,олий ўқув юртлари қаторида ўрта махсус ўқув юртларига ҳам талабалар қабул қилишда улар билимини синашнинг тест усули жорий этилмоқда. Бу ана шу илм даргоҳларида адолат мезонининг қайта шаклланаётганлигидан далолатдир.

Мазкур ўқув йилида биз ҳам коллежимизга тест асосида 332 нафар талаба қабул қилдик. Муҳими, бу усулнинг жорий қилиниши орқали коллеж талабаларининг таркиби сифат жиҳатдан яхшиланмоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримовнинг келажак авлод камоли йўлида кўрсатаётган ғамхўрлиги натижасида талабаларимиз ижтимоий жиҳатдан тўлиқ ҳимояланмоқда, уларнинг аъло ўқишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Чунончи, коллежда стипендия тайинлаш махсус комиссияси мавжуд бўлиб, стипендия талабаларимизнинг ўқиш даражасига қараб берилади. Эндиликда аъло баҳоларга ўқийдиган талаба оладиган стипендиянинг ўртача миқдори 266 сўмни ташкил қилаяпти.

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида барча жабҳалар қатори коллежимизда ҳам айрим муаммолар мавжуд. Оддий бир мисол: сўнгги пайтларда республикамизнинг турли олий ва ўрта махсус ўқув юртларини тугатиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида хизмат қилаётган юзлаб кишилар махсус юридик маълумотга эга эмаслигини сир тутиб бўлмайди. Айни пайтда ана шундай кишилар бизга махсус юридик маълумот беришимизни сўраб мурожаат қилмоқдалар. Бу талаблардан келиб чиқиб, коллежда битим (контракт) асосида иккинчи мутахассислик очиш имкониятига ҳам эгамиз. Бироқ юқорида таъкидланганидек, айрим муаммолар бунга имкон бермаяпти. Келгусида бу муаммолар ҳал этилса, коллежнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уни замонавий ўқув-техника воситалари билан таъминлашга имкон яралади.

Яна бир муҳим жиҳат шуки, замон талаблари ўқув тизимимизга янги дастурларни, дарсликларни, ўқув қўлланмалари жорий этишни тақозо қилмоқда. Илгарилари собиқ Иттифоқ шароитида буларнинг барчаси марказдан тайёрланиб юборилар, биз фақат ана шу йўлланма ва қўлланмалар асосида талабаларга сабоқ берардик. Бугун ундай бўлиши мумкин эмас. Ахир, мустақил дадвлатимиз Конституцияси ва шунга мувофиқ барча меъёрий ҳужжатлар аллақачон қабул қилинган, истиқлолимизнинг ҳуқуқий асослари етарлича яратилган. Масаланинг бу жиҳатларини инобатга олиб, дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, тўпламлар яратишда ўзимизнинг ички имкониятларимизни ишга солмоқдамиз.

Хуллас, ҳуқуқий давлатга муносиб бўлғуси ҳуқуқшунос-бакалаврлар тайёрлашда жамоамиз бутун кучини, онгли фаолиятини, қалб қўрини бахшида этмоқда.

Исматулла МАМАНОВ.
Тошкент юридик коллежи директори, юридик фанлари номзоди.

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар.

Козим ЎЛМАСОВ олган сурат.



Хорижий алоқалар

«ТИНЧЛИК КОРПУСИ» — САМАРҚАНДДА

Жумҳуриятимиз мустақилликка эришгач, унинг чет мамлакатлар билан алоқалари янада ривожлана бошлади. Халқаро ташкилотлар иқтисодий ҳамкорлик билан бир қаторда ўзларининг умумбашарий ва маданий дастурлари асосида республикамизда бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Американинг "Тинчлик корпуси"нинг юртимизга ташрифи шундай хайрли ишлардан ҳисобланади. 1961 йилда АҚШнинг собиқ Президенти Жон Кеннеди асос солган "Тинчлик корпуси" ёш, ривожланаётган давлатларга иқтисодий, маданий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни мақсад қилиб қўйган.

Яқинда "Тинчлик корпуси"нинг бир гуруҳ вакиллари Самарқанд шаҳридаги 55-ўрта мактаб ҳаёти билан танишишди. Улар 5, 6, 7-синфларда тажрибали педагог Баҳодир Ҳабибов ўтган инглиз тили дарсларида ҳам бўлишди. 5-синфда тил ўрганишнинг бошлангич погонаси кўрсатилган бўлса, 6-синфда об-ҳаво, фасллар мавзулари асосида матнла тузилиб, тестлар бажарилди. Болалар хорижий тилни ўргана бошлаганига эндигина бир йил бўлганига қарамай, берилган топшириқларни аниқ, пухта бажаришди.

Дарс жараёнида барча ўқувчилар фаол қатнашдилар. Бу — ўқитувчининг бир-икки ўқувчи билангина эмас, балки барча ўқувчиларга эътибор бериб ишлаганини кўрсатди. 7-синфда болалар янада мураккаброқ вазифаларни бажара олишларини намоён этишди. Ўқитувчи тайёрлаган карта-сурат асосида улар Ватанимиз, унинг миллий байроғи, герби, ҳудуди ва бойликлари ҳақида суҳбат қуришди. Айниқса, "Олақанот ҳаккалар" қўшиғига мослаб инглизча шеърни айтганлари меҳмонларга жуда ҳам маъқул келди.

Дарслар сўнгида болалар чет эллик меҳмонларга ўзларини қизиқтираётган саволларни беришди. "Тинчлик корпуси" аъзолари Жозеф Далсон, Софи Форбс, Женни Ташна, Эрвенг Жонс жавобларидан оддий америкаликларда тилимиз, тарихимиз ва маданиятимизга катта қизиқиш борлиги маълум бўлди. Улар келгусида ҳамкорликни янада кенгайтиришга хайриҳоҳ эканликларини изҳор этишди.

Гуруҳ аъзолари 24-28 ёшдаги турли касб эгалари бўлиб, ўзбек оилаларида яшашади, миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, билан танишишади. Меҳмонлар иқтисодий жиҳатдан қолоқ, инқирозга юз тутган мамлакатга боряпмиз, деб ўйлашган экан. Кишиларимиз ўртасидаги меҳр-муҳаббат, эртанги кунга ишонч, бир-бирига оқибат, меҳмондўстлик фазилатларини кўриб, бундай самимий муносабатлар улардаги энг бадавлат оилаларда ҳам йўқлигидан афсусланишди. Бундай ҳаяжонли учрашувлар халқларимизни бир-бирига яқинлаштирувчи ишончли омил экани яққол намоён бўлди.

З. ВАЛИЕВ.

Касаба уюшмалари ҳаётидан

ТАШАББУСКОРЛИК ВА УЮШҚОҚЛИК БОР ЖОЙДА

— Бу ерда ҳозирги мушкулотлар, халқ таълими моддий-техника таминотидаги қийинчиликлар ҳақида гап бўляпти. Тўғри, Ўзбекистон ўз мустақил тараққиёти йўлида дастлабки қадамларни қўяётган бугунги кунда жамиятимизда ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар йўқ эмас. Лекин "Олма пиш — оғзимга туш" деб ўтирадиган пайтми ҳозир? Халқ таълимидаги, умуман, жамиятимиздаги ислоҳотлар ақл — идрокимизга ҳурлик бағишлаб, ташаббус кўрсатишга, тадбир билан иш кўришга, ҳар бир ҳолатда муоммони ечиш учун "қаловни топишга" даъват этаётган бир пайтда наҳотки қаёқдандир, кимдандир, қачондир нажот келишини кутиб ўтирсак?!

Нотиқ — Қўшкўпир ту анидаги М. Жуманиёзов номли мактаб директори Йўлдош Қаландаров ёниб-жўшиб, лекин дона-дона қилиб сўзлар, унинг фикрлашидаги мантиқий изчиллик конференция қатнашчиларини сеҳрлаб қўйгандек эди. Дарвоқе, М. Жуманиёзов номли мактаб педагогик жамоаси бугунги мураккаб иқтисодий шароитда кўрсатаётган ташаббускорлик, ишга ижодий ёндошув намуналари халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят қўмитаси раиси Мая Абдураҳмонованинг ҳисобот нутқида ҳам мамнуният билан тилга олинди. Бу ўқитувчилар жамоаси баҳамжиҳат, ақл-идрок билан иш юритиб, таълим-тарбия савияси кўтарилишига, ўқитувчиларнинг ижтимоий таъминоти яхшиланишига эришмоқда. Чунончи, мактабнинг ўз маблағи вужудга келтирилди. Уни кўпайтириб боришнинг янги-янги манбалари излаб топилмоқда. Бир гектар ер олиб, мевали дарахтлар экилди. Орасига сабзи, пиёз экиб, бу йил 8 минг сўм даромад олишди. Пилла урти боқиб, 2,5 минг сўм маблағ жамғарилди. Гулчилик ҳам минг сўмга яқин фойда келтирди. Рўмол тўқиш ва тикувчилик цехлари очилди. Ўқувчилар ва ўқитувчилар жам бўлишиб, май ойидан ғишт қуйишни бошлашди. 80 м нг дона ғишт қуйиб, ўзлари пиширишди. 60 минг донаси сотилиб, 30 минг сўм тўпланди. Қолгани мактаб боғи атрофини ўрашга ишлатилди...

Шунингдек, аълочи ва жамоатчи ўқувчилар учун 20 та стипендия таъсис этилди. Касаба қўмитаси билан бирга фаол ўқитувчилар учун ой сайин 100 сўмдан қўшимча ҳақ бериб боришга қарор қилинди. Мактабнинг ўз ижтимоий ёрдам жамғармаси ташкил этилди. Дардга чалинган, бошига бирор мусибат тушган ўқитувчилар ундан мадад олишади. Фан олимпиадалари ғолиблари рағбатлантириляпти. Моддий аҳволи оғир ўқитувчи ва хизматчиларга етим ўқувчиларга моддий ёрдам кўрсатиляпти...

— Ётиб есанг, тоғ ҳам чидамайди дейдилар, — сўзини давом эттирди Йўлдошбой. — Биз ҳам даромад олишнинг янги-янги манъбаларини излаяпмиз. Гиламчилик цехи очиб, уни кенгайтираяпмиз. Бошқа режаларимиз ҳам бор.

Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида бундай ғайратли, шижоатли, эртанги кунга ишончи собит муаллимлар воҳада оз эмаслиги яққол кўринди. Педагогик жамоалар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонунини бажара бориб, ўқувчиларга билим бериш, мустақил юртнинг меҳнатга, ижодга қобил, ҳаракатчан авлодини тарбиялаш борасида муайян натижаларга эришмоқдалар. Буни касаба ташкилотлари ўз ташкилотчилик ишлари билан уларга елкадош бўлаяптилар. Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини муттасил ошириб бориш, билимгоҳларда муносиб иш ва дам олиш шароитларини яратиш масалалари Хонқа, Янгариқ, Шовот туманлари, Урганч шаҳрида, айниқса, изчил ҳал этилаяпти.

Вилоятда ўқитувчилар чинакам эътиборда, эъзозда. Конференцияда буни далилловчи кўпгина рақамлар тилга олинди, мисоллар келтирилди. Халқ таълимининг 2796 ходимига ўзлари истиқомат қилиб турган давлат, корхона ва хўжалик уйлари бепул хусусийлаштириб берилди. Халқ таълими ходимларига санаторий ва курортларда даволанишлари учун 17340 та йўлланма тарқатилди. Экологик ҳолатни ҳисобга олиб, даволанишга мухтож, лекин моддий имкони йўқ кишиларга 4915 та бепул йўлланма берилди. Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кам таъминланган оилаларда истиқомат қилувчи халқ таълими ходимлари бу имтиёзлардан устун даражада баҳраманд бўлдилар. Касаба уюшмасининг 3607 аъзоси парҳез таомлар билан таъминланди. Ўқувчиларнинг ёзги таътили кўнгилли, мазмунли ўтишига этибор кучайтирилди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳисобот-сайлов конференцияси нуқул ҳамду сано айтишдан иборат бўлмади. Маърузачи ҳам, нотиқлар ҳам, айниқса, Урганч шаҳридаги 5-мактаб касаба қўмитаси раиси Моможон Қурбонова, Урганч давлат университети талабаси Хосият Матрасулова, Шовот туманидаги 16-ҳунар-техника билим юрти директори Отахон Машарипов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Мир Назарий, вилоят ҳокимининг ўринбосари Яхшимурод Жуманиёзовлар ёш авлод тарбиясидаги камчиликлар, касаба ташкилотлари фаолиятининг турли жиҳатларидаги нуқсонларни рўй-рост тилга олиб, уларни амалий жиҳатдан бартараф этиш йўлларини кўрсатиб беришди. Энг муҳими, қуёшли воҳа муаллимларининг бу улкан анжуманида уюшқоқлик, ҳозирги муаммоларни бартараф этиш учун ҳамжиҳатлик, эртанги кунга ишонч яққол сезилиб турди.

Ўзбекистон халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Ёркин Файзуллаев конференцияда нутқ сўзлади.

Ж. САЪДУЛЛАЕВ.

"МЕҲМОНДЎСТЛИГИНГИЗ ЁҚДИ"

Франциянинг Янон шаҳридан серқуёш Ўзбекистонимизга эр-хотин Доритч Жил ва Ануклар велосипедда саёҳатга отланишганди. Яқинда улар Пахтаобод кўргонида истиқомат қилувчи Фурқат Соатовлар хонадонига ташриф буюришди. Уй бекаси ўқитувчи Салимахон Абсатова уларни хушмуомалалик билан кутиб олди. Улар янги очилган "Шодлик" мактабида ҳам бўлишди. Ўзбек миллий либосларидаги йигит-қизлар даврасида франциялик сайёҳлар қувончдан рақсга тушиб кетишди, шодон қўшиқлар куйлашди.

— Биз сафарга шу йил 1 майда чиққан эдик, — дейди Жил Доритч таассуротлари ҳақида болаларга сўзлаб бераркан. — Мақсадимиз — шаҳар ва қишлоқларингиз, ундаги меҳмондўст халқнинг турмуши, урф-одатлари ҳақида китоб ёзишдир. Олти ой давомида Греция, Туркия, Озарбайжон, Ўзбекистоннинг кўпгина жойларида бўлдик. Пойтахт Тошкентнинг беқиёс гўзаллиги, Самарқанд ва Бухоронинг қадимий ва навқиронлиги, чўл ўрнида бунёд этилган Жиззах ва Пахтакор шаҳарлари халқининг меҳмондўстлигини ёзажак китобимизда, албатта, тилга оламиз. Сафаримиз давомида ҳали биронта мактабда бўлмагандик. "Шодлик" мактабининг синфхоналари, турли асбоб-ускуналар ва компьютерлар билан жиҳозлангани, бу ердаги таълим-тарбия жараёни бизда ёрқин таассуротлар қолдирди. Айниқса, меҳмонга пешвоз чиқиб, кенг багр очиш танти ўзбекка хослигининг гувоҳи бўлдик.

Ҳаяжонли учрашувда меҳмонлар билан тил топишда француз тилида гапиришни яхши ўзлаштириб олган ўқувчилар етакчиси Сайёра Бобонова мактаб ҳаёти ҳақидаги энг қизиқарли томонларни келгусида франциялик сайёҳатчиларга ёзиб туражагини билдирди. Мактаб жамоаси ва ўқувчилар сайёҳларга олис сафарда оқ йўл тилаб қолишди.

Ойширин БОЗОРОВА,
Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманидаги "Шодлик" мактаби директори.

Синаб кўринг

БАҲО ЖАМҒАРМАСИ — САМАРАЛИ УСЛУБ

Лицейимиз педагоглар жамоаси давр талаби даражасида дарс бериш, ўзбек миллий мактаби обрўсини янада кўтаришни мақсад қилиб қўйганлар. Шу боис таълим-тарбия ишида янги иш услублари синаб кўриляпти.

Илм маскани иш бошлаганига эдигина бир йилдан ошди. Шу давр ичида жамоа таълим-тарбия ишида кўпгина ютуқларга эришди. Жумладан, ўзлаштириш ва сифат жиҳатдан туманда энг яхши кўрсаткичга, вилоят ва республика фан олимпиадаларида ўқувчиларимизнинг қатнашиб, юқори натижаларга эришганинин айтиш мумкин.

Бунга қандай эришилди? Ўқув йили бошидаёқ педагогик жамоа аъзолари маслаҳатлашиб ўқув-тарбия ишини ташкил этишда ўзига хос услуб — баҳо жамғармаси услубини синаб кўришини маъқул топди. Яъни ўқувчилар билимини мунтазам назорат қилиб туриш мақсадида чуқур ўрганиладиган фанлар ҳамда ўзбек тили ва адабиётидан икки ҳафтада бир марта тест синови ўтказиб келинди. Ўқувчи тўплаган баллар ўқувчининг шахсий жамғармасига (компьютерда) ёзиб қўйилди. Ана шу давр ичида бошқа фанлардан олинган баҳолар ҳам жамланиб, ўқувчи жамғармаси ҳисобига ўтказилди. Қоида бўйича ҳар бир "яхши" баҳо учун бир балл, "аъло" баҳо учун икки бал бериш кўзда тутилган. Қониқарсиз баҳо учун эса жарима тарзида умумий баллардан, яъни жамғармадан чегириб қолинади. Шу тариқа ўқув йили давомида жамғармани бойитиб бориш ўқувчининг асосий иши бўлиб қолади. Иш натижалари кўринарли жойга осиб қўйилади.

Ўқувчининг жамоат ишидаги фаоллиги, ташкилотчилиги, фан олимпиадалари ва танловларда қатнашуви, ижодкорлиги ҳам жамғармага муайян баллар келтиради ва белгиланган тартибда баҳоланади. Пайти келганда ғолиблар рағбатлантириб турилади. Энг кўп бал тўплаган ўқувчи "Йил ўқувчиси" деб эълон қилинади.

Қ.БОТИРОВ,
Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 2-лицей директори.

Расмий бўлим

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ КЎРИК-ТАНЛОВИ

Мустақил давлатимизнинг истиқболи, унинг гуллаб-яшнаши ва ривожланиши кўп жиҳатдан ёш авлоднинг соғлом камол топишига, болаликнинг қай даражада муҳофаза қилинишига боғлиқ.

Юртимизнинг келажаги — фарзандларимизнинг жисмоний, ақлий ва маънавий ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ хўжалиги вазирликлари, Давлат спорт қўмитаси, Республика болалар жамғармаси, Республика хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" ва "Наврўз" жамғармалари, халқ таълими ва фан, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитаси ҳамкорликда Республика мактабгача тарбия муассасаларияро "Соғлом авлод учун" кўрик-танловини ўтказиш юзасидан қўшма қарор қабул қилдилар.

Қарорда таъкидланишича, кўрик-танлов 1995 йилнинг июнь ойига қадар ўтказилади.

Кўрик-танлов мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар саломатлигини, жисмоний ва рухий ҳолатларини мустаҳкамлашга, илғор тарбиячиларнинг, спорт ходимларининг, шифокор ва ота-оналарнинг ҳамкорликдаги иш тажрибаларини ўрганиш, тарғиб этишга қаратилган.

"Соғлом авлод учун" республика кўрик-танлови Низомига кўра кўрик-танлов уч босқичда ўтказилади. 1-босқич туманларда (шаҳарларда), 2-босқич вилоятларда, Тошкент шаҳрида ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда якуний — 3-босқич — Республика миқёсида.

Кўрик-танловдан мақсад туман (шаҳар), вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг соғлом авлодни тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшаётган энг илғор мактабгача тарбия муассасаларини аниқлаш, тарбиячилар, болалар боғчалари жамоаси ижодий изланишларини такомиллаштириш, жисмоний тарбия фаолиятини тўғри йўлга қўйиш, болаларнинг сифатли овқатланишини таъминлаш, маданий, гигиеник кўникмаларни шакллантириш, болаларнинг соғлом ўсишлари ва дам олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, оила ва болалар боғчалари ҳамкорлигини ривожлантиришдан иборат.

Кўрик-танловда барча турдаги мактабгача тарбия муассасалари иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танловга номзод кўрсатиш тартибига кўра барча мактабгача тарбия муассасалари ўз педагогик жамоаси билан келишган ҳолда туман, шаҳар "Соғлом авлод учун" кўрик-танлови ташкилий қўмитасига кўрикда иштирок этиш учун педагогик кенгаш йиғилиши баёни ва мактабгача тарбия муассасаси ҳақида тўлиқ маълумотлардан иборат ҳужжатларни 2 нусхада тақдим этадилар.

Мактабгача тарбия муассасасининг қайси вилоят, туман, шаҳарданлиги, унинг тартиб рақами ва номи, қайси йили ташкил топганлиги, қайси ташкилотга қарашлиги, махсус ёки мослаштирилган бинога жойлашгани, қанча болага мўлжалланганги, айни пайтда гурухлар ва уларга қатновчи болалар сони, ходимлар (тарбиячи ва техник ходимлар) умумий сони, олий маълумотлилар сони ҳақида батафсил маълумот берилади.

Мактабгача тарбия муассасасининг тури, танлаб олган мавзусининг аҳамияти, педагогик жамоа фаолияти, моддий таъминоти, таълим-тарбия жараёнининг йўлга қўйилиши, методик адабиётлар билан таъминланганлиги, таълим жараёнининг мукаммал ташкил этилганлиги, ноанъанавий усуллар жорий этилганлиги, халқ педагогикасига таянган ҳолда иш олиб борилиши, миллий кураш,миллий халқ ўйинларидан фойдаланганлиги, ҳар бир бола шахсин нг жисмоний ривожланишига эътибори инобатга олинади.

Низомга мувофиқ мактабгача тарбия муассасасининг болаларни соғломлаштиришга қўшган ҳиссасини аниқлаш юзасидан икки хил маълумот т йёрлаш лозим:

1. Жамоа ишни бошлаш давридаги дастлабки кўрсаткичлар;

2. Якуний иш натижалари бўйича (иш жараёни камида бир йиллик бўлиши шарт) кўрсаткичлар.

Кўрик-танловни ўтказиш муддатлари:

I босқич 1995 йилнинг март ойида ту ан (шаҳар)ларда, II босқич 1995 йилнинг май ойида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида, III босқич 1995 йилнинг июнь ойида Республика пойтахтида ўтказилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари мазкур Низомга биноан кўрик-танловни ўтказиш бўйича қўмита ва ҳакамлар ҳайъати аъзоларини тайинлайдилар.

Кўрик-танловнинг биринчи босқичида I-ўринни эгаллаган мактабгача тарбия муассасасини туман (шаҳар) халқ таълими бўлими 1995 йилнинг 1 майигача иккинчи босқичга тавсия этади. Кўрик-танловнинг иккинчи босқичида I-ўринни олган муассасани Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари III босқич — Республика кўрик-танловига 1995 йилнинг 1 июнига қадар тавсия этишлари керак.

Кўрик-танловнинг учинчи босқичи Ўзбекистон Республикасида соғлом авлодни камол топдираётган энг яхши мактабгача тарбия муассасасини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва республика Телерадио компанияси 1994 — 95 ўқув йилига мўлжаллаган ўқув кўрсатувлари мавзулари

ЯНВАРЬ

Табиёт (5-синф). Табиатда сув — 12 январь.

Ботаника (6-синф). Поянинг ўсиши ва унинг тузилиши — 11 январь.

Зоология (7-синф). Қушлар синфи — 18 январь.

Информатика (8-синф). ЭҲМ ишлашининг мантиқий асослари — 3 январь.

География (9-синф). Тошкент иқтисодий райони — 17 январь.

Ўзбекистон халқлари тарихи (9-синф). Улуғбек давлат арбоби ва буюк олим — 12 январь.

Давлат ва ҳуқуқ асослари (9-синф). Ҳуқуқий давлат, моҳияти ва тамойиллари — 19 январь.

Адабиёт (9-синф). Паҳлавон Маҳмуднинг ҳаёти ва ижоди — 3 январь.

Математика (10-синф). Ҳосила. Ҳосилани ҳисоблаш қоидалари. Тригонометрик функциялар — 10 январь.

Умумий биология (10-синф). Ҳозирги замон экологияси фани ва унинг вазифалари — 26 январь.

Физика (10-синф). Масалалар ечиш — 25 январь.

Адабиёт (10-синф). Мунис. "Ғазаллар" — 24 январь.

Умумий биология (11-синф). Ирсият қонунлари — 4 январь.

Физика (11-синф). Масалалар ечиш — 31 январь.

Кимё (11-синф). Оқсилларнинг хусусияти — 16 январь.

Математика (11-синф). Логарифмик функция. Логарифмнинг хоссалари. Логарифмик тенгламалар ва тенгласизликларни ечиш — 16 январь.

Адабиёт (11-синф). Ғафур Ғулом "Шум бола" қиссаси — 31 январь.

Информатика (11-синф). Бейсик тилида амалий машғулот — 24 январь.

ФЕВРАЛЬ

Табиёт (5-синф). Тоғ жинслари — 9 февраль.

Ботаника (6-синф). Ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши — 1 февраль.

Зоология (7-синф). Сут эмизувчилар синфи — 8 февраль.

Информатика (8-синф). Алгоритмлар — 7 февраль.

География (9-синф). Фарғона иқтисодий райони — 24 февраль.

Математика (9-синф). Жуфт ва тоқ фунциялар — 2 февраль.

Физика (9-синф). Галилейнинг нисбийлик тамойили — 16 февраль.

Адабиёт (9-синф). Хоразмий. "Муҳаббатнома" — 7 февраль.

Ўзбекистон халқлари тарихи (9-синф). Темурийлар даврида маданий ҳаёт — 17 февраль.

Умумий биология (10-синф). Биоценоз ва агроценоз — 15 февраль.

Физика (10-синф). Электр майдони — 23 февраль.

Адабиёт (10-синф). Огаҳий лирикаси — 21 февраль.

Кимё (11-синф). Юқори молекулали бирикмалар — 6 февраль.

Умумий биология (11-синф). Ирсият қонунлари — 22 февраль.

Физика (11-синф). Геометрик оптика қонунлари — 21 февраль.

Математика (11-синф). Эҳтимоллар назарияси — 28 февраль.

Адабиёт (11-синф). О. Ёқубов "Улуғбек хазинаси" — 28 февраль.

Информатика (11-синф). Электрон жадвал — 14 февраль.

Давоми. Боши газетамизнинг ўтган йил 14 сентябрь ва 26 октябрь сонларида.

Фахрийларимиз

КАТТАҚЎРҒОН ИФТИХОРИ

Малик Элмуродовни нафақат Каттақўрғонда, балки республикамизда, қўшни жумҳуриятларда ҳам кўпчилик билади. У маориф соҳасида 48 йил фаолият кўрсатди.

Кўп йил бир мактабда директор бўлиб ишлади. Шу давр мобайнида у фақат яратувчилик, ташкилотчилик билан ечилмаган чигал масалаларни моҳирона ҳал этди.

Ҳа, ўқитувчи деган мўътабар номни олган киши том маънодаги ҳалол инсон бўлиши, бунинг учун, аввало ўқувчилари орасида катта ҳурмат қозониши лозим. Ўз ўрнида бу ҳурмат унинг зиммасига катта масъулият юклайди. Буни ҳис этгани учун ҳам у хушфеъл, ширинсухан, қалби пок, ўз касбига садоқатли, имон-эътиқоди бутун ташкилотчи-педагог сифатида танилди.

Малик Элмурод ўғли 1919 йил декабрида Каттақўрғон шаҳрида руҳоний оиласида таваллуд топган. У бошланғич ва ўрта таълимни шу ерда олади.

1940 йили Шота Руставели номидаги Каттақўрғон педагогика техникумини аъло баҳолар билан тамомлагач, ўша йилиёқ у Янгиқўрғон қишлоғидаги 25-тўлиқсиз ўрта мактабга директор қилиб ишга юборилди.

Орадан кўп ўтмай, Малик ака фронтга йўл олади. 1943 йили урушдан ярадор бўлиб қайтган педагог Каттақўрғон райижроқўмида масъул котиб лавозимида ишлай бошлади. 1945-1946 йилларда Тошкент партия мактабини битиргач, "Қизил Ўзбекистон" газетасида бир неча йил маориф ва маданият бўлимини бошқарди.

Малик Элмуродовдаги маориф ишига қизиқиш уни яна мактабга чорлади. 1953 йили уни Каттақўрғондаги 2-ўрта мактабга ўқитувчи ҳамда директор қилиб ишга юборишади. У илм масканида 1963 йилгача директорлик қилиб, тарбиявий ва ўқув ишларини яхшилаганлиги учун ўша йили Каттақўрғондаги бола сони жиҳатидан жуда катта бўлган 2-мактаб-интернатга директор қилиб ишга ўтказилади. Таълим-тарбия томонидан анча ночорлашиб қолган бу мактабда маориф ишларини юқори даражага кўтарган Малик акани яна бир қолоқ таълим ўчоғи кутиб турарди. Бу шаҳардаги 13-мактаб-интернат эди. 1975 йили раҳбарларнинг топшириги билан мазкур мактабга юборилади ва бу ерда у то пенсияга чиққунга қадар директорлик қилади. Ҳозир Малик Элмурод ўғли 75 ёшга кирган бўлса-да, шаҳар ҳокимияти ҳамда Каттақўрғон туман ҳокимлиги қошидаги Фахрийлар кенгашида раис муовини лавозимида хизмат қилиб келмоқда.

Биз юқорида фидойи маорифчининг ҳаёт йўли ҳақида қисқача маълумот бердик, холос. У кишининг амалга оширган маърифий ишлари хусусида ҳам кўплаб илиқ гаплар айтиш мумкин. Мана, улардан айримлари:

Малик ака 1954 йили собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб Каттақўрғонда ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасини ташкил этди. У директорлик қилган мазкур мактабда ўқувчиларни меҳнатга жалб этиш, улар фаолиятини касб танлаш томон буришни кўзлаган бу ташаббус бутун жумҳуриятга, иттифоққа ёйилди. 1956 йилдан бошлаб эса ўша 2-ўрта мактабда ташкил топган, директорнинг ўзи бошлиқ бўлган ўқувчилар бригадаси кенгайтирилиб, 8 та звенога етказилди. Бригада 8-10 синф ўқувчилари билан тўлдирилди. Улар дарсдан сўнг қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланиб, ўзларига бириктирилган ер участкаларида пахта ва полиз экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар.

Мактабга сотиб олинган 8 та станокда уста Пирмамат Хўжаев, агроном Зокир Ҳакимов, механик Иван Пунигин кабилар мутасаддилигида болаларга ҳунар ўргатила бошланган эди.

1958 йили ўша 2-мактабнинг Муҳаббат Шукурова, Анвара Тошпўлатовадек ўқувчилари мактаб ихтиёридаги 40 бош бузоқ ва 300 бош товуқ, ўрдак ва ғозни боқиш ва семиртиришда мисли кўрилмаган хизматлари учун мактабга "ДТ-24" трактори берилгани, бригада аъзоларидан 10 ўқувчи Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик кўргазмасига ҳам қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганликлари, улар "Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун" медали билан тақдирланганликларини ҳалигача фахр билан эслашади.

Тадбиркор, ташаббускор маорифчининг хизматлари муносиб тақдирланди. У "Халқлар дўстлиги" ордени, ўнга яқин медаллар билан мукофотланди.

Дарвоқе, биз Малик аканинг маориф соҳасидаги хизматларини санаш баробарида, унинг нозиктаъб шоир ҳам эканлигини эътироф этмоғимиз керак.

Унинг "Зарафшон", "Қизил Ўзбекистон" газеталарида ёритилган 50 га яқин ғазал ва шеърларида тарбиявий-маърифий мавзу бош ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Каттақўрғоннинг ифтихори бўлган педагоглардан бири Малик Элмуродов чин маънода муродига етган пиру бадавлат инсон сифатида ўзининг муборак 75 ёшини нишонлаётганидан дўсту ёрлари, қариндош-уруғлари, шогирдлари хурсанд. Биз ҳам ҳурматли домлага узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаб қоламиз.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
филология фанлари номзоди, доцент,
халқ маорифи аълочиси.

Боғчада арча байрами. **Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Болаларда ўзи туғилиб ўсган она заминга меҳр-муҳаббат, чинакам фарзандлик туйғуларини уйғотиш юзасидан мактабимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Дарсларда, синфдан ва мактабдан ташқари жараёнларда ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўқувчилар ўртасида турли мавзуларда суҳбатлар, кўрик-танловлар ўтказилиб турилибди. "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат", "Истиқлолимиз Қомуси", "Мардлар қўриқлайди Ватанни", "Ватанни севмоқ — иймондандир" каби мавзуларда ўтказилган суҳбатлар, "Ўзбекистон — Ватаним менинг", "Она юртим — олтин бешигим" кўрик-танловлари болаларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, "Истиқлол муборак, Ўзбекистоним", "Она тилим — жону дилим" деб номланган кечаларда ўқувчилар фаол қатнашдилар. Мустақиллик байрами, Наврўз байрами, Бобур таваллудининг 510 йиллиги, Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги катта шодиёна сифатида нишонланди.

Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарбиявий соатлар муҳим аҳамият касб этади. Биз бу имкониятдан иложи барича унумли фойдаланишга, илғор иш тажрибаларини амалда кенг қўллашга ҳаракат қиляпмиз.

Маърифат ҒАНИЕВА,
Бешариқ туманидаги Муқимий номидаги
19-мактаб ташкилотчиси.

ҲАМКАСБЛАР УЧРАШУВИ

Умидларга тўла янги йил арафасида республика Ўқитувчилар уйида уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг ташаббуси билан учрашув ўтказилди. Уни Ўқитувчилар уйи директори, тарих фанлари доктори, профессор Қодирхўжа Фозилхўжаев очиб, устозларни Янги йил байрами билан чин дилдан самимий қутлади.

Шунингдек, бу тадбирда маориф фидойиларидан Рихситилла Ҳасанов, Мавжуда Самадова, Сирожиддин Ҳакимов, Абдулла Суюмов, Абдуғаффор Туёқов, Йўлдош Тожибоев ва бошқа кишилар иштирок этдилар.

Учрашув сўнгида фахрий педагоглар кенгашининг раиси Шораҳим Гадойбоев кекса ўқитувчиларнинг бир гуруҳига Янги йил совғаларини топширди. Муаллимлар ҳам ўз навбатида кўрсатилган бу ғамхўрлик учун Ўқитувчилар уйи жамоасига миннатдорчилик билдиришди.

Ф. ТОЛИБОВ.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида 1995 йил январь ойида режа бўйича навбатдаги курслар ишлай бошлайди. Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

1. Ўрта мактаб директорлари — ўзбек гуруҳи — 2—28 январь.

2. Олий ва 1-тоифали ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 2—28 январь.

3. Олий ва 1-тоифали кимё ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 2—28 январь.

4. Олий ва 1-тоифали жуғрофия ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 2—28 январь.

5. Олий ва 1-тоифали жисмоний тарбия ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 2—28 январь.

6. Олий ва 1-тоифали тарих ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 2-28 январь.

7. Информатикадан янги дастур ва дарсликлар асосида мақсадли курс — ўзбек гуруҳи — 16—28 январь.

8. Математиканинг долзарб масалаларига оид муаммоли курс — ўзбек гуруҳи — 16—28 январь.

9. Мактаб-интернат ва болалар уйлари тарбиячилари — ўзбек гуруҳи — 2—28 январь.

10. Ёшлар уйлари методистлари — ўзбек гуруҳи — 2—28 январь.

11. МУИЧК (МУПК) директорлари — ў бек гуруҳи — 2—28 январь.

12. ВўМОИ психология кабинети мудирлари ва ВПХМОИ ўқитувчилари — ўзбек гуруҳи — 16—28 январь.

13. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари (сиртқи курс) — ўзбек гуруҳи — 2—28 январь.

14. Туман (шаҳар) ХТБ назоратчилари (сиртқи курс) (1994 йил давоми) — ўзбек гуруҳи — 2—28 январь.

15. Вилоят ХТБ бошлиқларининг кадрлар бўйича муовинлари — ўзбек гуруҳи — 9—14 январь.

Республика мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсида 1995 йил 2 январдан 28 январгача навбатдаги курслар ишлай бошлайди.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

1. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари. Мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари — 2 — 28 январь.

2. Туман, шаҳар ХТБ назоратчилари ва услубчилари таклиф қилинади. Қисқа муддатли курс. 2—19 январь.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, С. Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй, Талабалар шаҳарчаси.

Телефонлар: 46-98-04;46-06-62; 46-06-67.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек ва қозоқ филологияси факультети ҳамда ўзбек тили ва адабиётини ўқитиш методикаси кафедраси жамоаси шу кафедра доценти

Хурсандой ЖУМАЕВА

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Маърифат" газетаси жамоаси Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти педагогика ва психология кафердаси доценти Раимжон Усмоновга рафиқаси

Сарвар УСМОНОВА

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдарлик билдиради.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир

Саъдулла ҲАКИМ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ғафур Маннопов, Зубайда Усманова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—1294. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6